

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА МАДДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ

ТАРИХЧИ ОЛИМ ФАРҲОД ҚОСИМОВ
ЗАМОНДОШЛАР ХОТИРАСИДА

“Дурдана” нашриёти
Бухоро – 2021

МУНДАРИЖА

Қаҳрамон Ражабов. Бухоро тарихчиларининг сардори	4
Сулаймон Иноятов. Қомусий ақл ва илм соҳиби.....	11
Тошпӯлат Раҳмонов. Олим ва ажойиб инсон.....	16
Шариф Болтаев. Беназир инсон, моҳир раҳбар.....	20
Рахмат Шоймардонов. Маслакдош дўст эдик	23
Сиддиқ Қаҳхоров. Илм-зиё-маърифатга баҳшида умр	26
Туроб Жураев. Ҳақиқий зиёли тимсоли	30
Бахтиёр Адизов. Ўз касбидан камолотга эришган инсон	35
Акбар Алламов. Камтарлик ва ибрат тимсоли эди	38
Баҳодир Эргашев. Талантливый ученый, опытный педагог, превосходный организатор	42
Худойназар Тошов. Барҳаёт фазилатлар соҳиби	47
Носир Раҳимов. Устоз қадри ва хурмати ҳар доим эъзозга лойикдир.....	49
Гулчехра Наврӯзова. Улуғворлик тимсоли	53
Ориф Кодиров. Илм-фан фидойиси эдилар.....	60
Шуҳрат Мухамедов. Достойный сын благословенной Бухары	62
Ҳалим Тўраев. Яхши устоздан яхши хотира.....	66
Шодмон Ҳайитов. Бухоро шаҳрининг Бозоригул кўчасида вояга етган олим	68
Манзила Курбонова. Рисоладагидек раҳбар устоз	72
Сойиб Раупов. Бухоро тарихшунослик мактабининг асосчиси	76
Фармон Аминов. Забардаст олим ва ғамхўр устоз	79
Юлдаш Ҳайдаров. Зукко олим ва маънавий жасорат соҳиби эдилар	82
Лола Мухамеджанова. Ўқитувчим ва устозим.....	88
Содик Зарипов. Ҳазрати инсон	90
Азалшоҳ Ҳамроев. Китобга меҳр уйғотган устоз	93
Мавлуда Раҳмонова. Камтарликдан ўзига ҳайкал қўйган устоз.....	95
Камол Раҳмонов. Файзулла Хўжаевнинг бир мақоласи ҳақида устоз билан мулоқот	100
Шуҳрат Кудратов. Одамийлик бобида тенги иуқ устоз.....	102

БУХОРО ТАРИХШУНОСЛИК МАКТАБИННИГ АСОСЧИСИ

Сойиб Раупов
БухДУ доценти,
тарих фанлари намзоди

Бетакрор инсон, жонкуяр устоз, фидойи раҳбар, таникли тарихшунос олим, тарих фанлари доктори, профессор Фарход Ҳабибович Қосимовнинг илмий тадқиқотларга бой, жамоат ва давлат ишларида фаоллик билан ўтган сермазмун ҳаёт йўли ёшлар учун намуна мактабидир.

Мен Фарход Ҳабибовични 1974 йилдан билар эдим. Шу или мен Бухоро давлат педагогика институтининг (ҳозирги БухДУ) Тарих йўналишига ўқишга қабул қилиндим. Бизга ўша даврнинг етакчи тарихчи олимлари сабоқ бера бошлидилар. Улар орасида ёш истеъододли олим, тарих фанлари номзоди, доцент Ф.Ҳ.Қосимов ҳам бор эдилар. У киши 1977 йил Москвага докторантурага ўқишга кетгунига қадар бизларга тарихшунослик, ССР тарихи фанларидан маъruzалар ўқидилар, семинар машғулотлари ўтказдилар. У кишидаги илм, нотиқлик, моҳир педагогларга хос бўлган юксак маънавий фазилатлар барча талабаларни ҳайратга солар ва бизлар у кишига хавас билан қарап, хурмат киласар эдик.

Устоз докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиб қайтганларидан сўнг турли мансаб ва лавозимларда (кафедра мудири, факультет декани, институт ректори) ишлашларидан қатъий назар талабаларга бир қатор тарих фанларидан маъruzалар ўқишини, семинар ва амалий машғулотлар ўтказишни канда қилмадилар. У кишининг юксак маҳорат билан ўтган дарслари талабалар учун илм манбаи, биз шогирдлар учун маҳорат мактаби эди. Мен узоқ йиллар у киши билан бирга ишлаш баҳтига мұяссар бўлдим ва у кишидан ҳам илмда, ҳам хаётда жуда кўп сабоқ олдим.

Фарход Ҳабибович истеъододли тарихчи олим сифатида Бухоро тарихшунослик мактабига асос солди. Биз устоз

ижодини шартли равиша иккита даврга бўлишимиз мумкин. Унинг биринчи даври шўро ҳокимияти ва шўро мағкураси ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Бу даврда устоз томонидан яратилган илмий ишлар асосан Бухоро Ҳалқ Шуролар Республикаси тарихи тарихшунослиги, Ўрта Осиё ҳалқларининг капитализмни четлаб социализмга ўтиши совет тарихшунослиги масалаларига бағишланган бўлиб, асарларида илмийлик, таҳдилнинг кучлилиги, воқеа-ходисаларни холислик билан ёритишга бўлган интилиш яққол сезилиб турар эди.

Фарход Ҳабибович илмий фаолиятининг иккинчи босқичи мустақиллик йилларига тўғри келади. Бу даврда устоз сермаҳсул ижод қилиб, Ватанимиз хусусан, Бухоро тарихининг очилмаган қирраларини холисона очиб беришга қаратилган кўплаб китоб ва мақолалар яратди. Албатта, бунга катта зарурат бор эди. Ҳаммага маълумки, шўро ҳокимияти ҳукмронлиги йилларида тарих фани шўро мағкурасига хизмат қилиб, СССР тарихи ниқоби остида Россия тарихи ўқитилар, Ўзбекистон ва хусусан Бухоро тарихи масалаларига умуман эътибор берилмас эди. Мустақиллик Ватанимиз тарихини ўрганиш имкониятини берди ва бу имкониятдан Фарход Ҳабибович самарали фойдаланди. Устоз томонидан "Темурийлар даврида Бухоро", "Бухоро Республикаси тарихшунослиги", "В плену иллюзий", "Истиқлол ва тарихий хотира" каби йирик илмий асарлар яратилди, бу асарлар мамлакатимиз тарихини ўрганилмаган, кам ўрганилган қирраларини очиб беришга хизмат қилмоқда. Устоз ўз асарларида келтирган манбавий асос ва далиллар, мавзунинг кўйилиши ва ёритилиши, таҳдил ва талқин, тарихий воқеалар тасвири ҳамда у киши чиқарган илмий хulosалар китобхонни асло бефарқ қолдирмайди. Ўкувчи унинг қаламига мансуб илмий мақолалар ва тарихий китобларни ўқиганида муаллифдан кўп нарса ўрганади, ҳалқимизнинг кўп йиллик тарихига ошно бўлади.

Фарход Ҳабибович нафақат ўзи илмий изланишлар олиб борди, балки Бухоро тарихининг турли йўналишларини ўрганган олимларнинг мақолаларини тўплаб, "Бухоро тарих

саҳифадари" номли тўпламини нашр этишга бош-кош бўлди ва унга масъул муҳаррирлик қилди. Тўпламдан ўрин олган ўндан ортиқ мақолаларнинг мавзулари ранг-баранг бўлаб, таҳлил ва ёндошувлар ҳар бир муаллифнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради ҳамда барча муаллифлар Бухоро тарихининг ўқилмаган сахифаларини холисона ёритиш янги тафаккур руҳида ёзилган яхлит тарихи ёзилмаган бир шаронтда бу китоб Бухоро тарихини яратиш томони қўйилсан мұхим қадамлардан бири эди.

Фарход Ҳабибовичнинг ушбу тўпламдан ўрин олган "Бухоро жумхурияти тарихининг илмий адабиётда ёритилиши" деб номланган мақоласида Бухоро Ҳалқ Шўролар Республикасининг тарихини ёритиш борасида амалга оширилган илмий ишлар даврларга бўлинниб, кенг ва атрофлича таҳлил қилинган ҳамда илмий хуносалар берилган. Асосийси шундаки, мақолада БХШР тарихининг ёритилмаган ва кам ёритилган қирралари кўрсатиб берилганки, бу нарса БХШР тарихини ўрганувчи тадқиқотчилар учун ўзига хос дастур бўлиб хизмат қиласди, десак адашмаймиз.

Устоз Фарход Ҳабибович нафақат ўзининг илмий изланишлари билан, балки илмий педагогик кадрлар тайёрлаш ишига кўшган улкан хиссаси билан ҳам Бухорода тарихшунослик фани ривожланишига улкан хисса қўшди. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида ўнга яқин шогирдлари Ватанимиз тарихининг ўрганилмаган қирраларини ўрганишга бағишлиланган илмий тадқиқот ишлари олиб бордилар ва фан номзоди илмий даражасини олиш учун номзодлик диссертацияларини ҳимоя қиласдилар.

Кези келганда шуни ҳам алоҳида фахр билан таъкидлаш лозимки, Фарход Ҳабибович Ўзбекистон ФА Тарих институти хузиридаги номзодлик ва докторлик ишлари ҳимоясига ихтисослашган кенгаш аъзоси сифатида мамлакатимизда тарихчи олимлар етказиб бериш ишига ҳам улкан хисса қўшдилар.

умумай олганда, устоз Фарход Ҳабибович умрлари давомида тарих фанига ҳалол хизмат қилиб, Ватанимиз тарихининг ўрганилмаган қирраларини ўргандилар, кўплаб шогирдалар этиштиридилар ва шу орқали Бухоро тарихшунослик мактабига асос солдилар. У кишининг порлоқ сиймаси бўлажак тарихчи олимлар учун намуна ва ўриак мактаби бўлиб хизмат қиласди.

ЗАБАРДАСТ ОЛИМ ВА ГАМХЎР УСТОЗ

Фармон Аминов,
тарих фанлари номзоди

Мен фаолиятим даврида кўплаб яхши инсонлар билан бирга ишлаганман, улардан ҳаёт сабоқларини ўрганганданман. Мени Фарҳод Ҳабибовичдек ИНСОН билан учраштиргани учун доим Яратганга шукроналар айтаман.

Бу учрашув ҳаётимдаги энг муҳим воқеа бўлди, десам муболага бўлмайди. 1980 йилда Самарқанд давлат университетини тугатиб, дастлаб Бухоро шаҳридаги ўрта мактаблардан бирида ўқитувчи бўлиб ишлай бошладим, 1981 июнидан Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтига катта лаборант лавозимига ишга қабул қилиндим. 1982 йил май ойида устоз Фарҳод Ҳабибович билан биринчи марта учрашганмиз. У киши Давлат имтиҳон комиссияси раиси сифатида кафедрамизга келган эдилар. Ўшанда кафедра ассистенти бўлиб фаолият бошлаганимга эндиғина бир ой бўлган эди.

Устознинг вазминлиги, одамийлиги, талабчанлик билан бирга талабаларга меҳрибонлиги менга катта таасурот колдириди. Ўша пайтда кафедра доценти В.Г.Сааков мени Фарҳод Ҳабибовичга таништириб, мен билан бир сұхбатлашиб кўриб, лозим топсалар шогирдликка олишни сұради. Шундан кейин бир неча учрашувлардан сўнг устоз менга тарихшунослик йўналишида 20-30 йилларда Ўрта Осиёдаги иктисадий, ижтимоий ва маданий ўзгаришларда халқлар хамкорлиги тарихшунослиги мавзусини тасвия